

Дурбек РАХИМДЖАНОВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди
durbekr@yahoo.com

АБУ ҲАФС НАСАФИЙНИНГ ҲАДИС ИЛМИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

ВКЛАД АБУ ҲАФСА НАСАФИ В РАЗВИТИЕ НАУКИ ХАДИС

CONTRIBUTION OF ABU HAFS NASAFI TO THE DEVELOPMENT OF HADITH SCIENCE

Аннотация. Абу Ҳафс Насафий ўз даври ҳадис илмининг етук билимдонларидан эди. У Мовароуннахрнинг етакчи муҳаддислари билан мулоқотда бўлиб, улардан дарс олди. Олим, ўзининг гувоҳлик беришича, 550 шайхдан ҳадис ривоят қилган. У ўз шайхларини «Ти'дод аш-шуйуҳ ли-‘Умар мустатриф ‘ало-л-хуруф мустатир» («Алифбо тартибда берилган Умарнинг устозлари саногии») асарида бирма-бир санаб ўтган. Афсуски, кўп муаллифлар томонидан нақл этилган бу асар бизгача етиб келмаган.

Калим сўзлар: ҳадис, муҳаддис, саҳиҳ, имло, ривоят, иснод, мутавотир, Мовароуннахр, нисба, манба.

Аннотация. Абу Ҳафс Насафи был выдающимся ученым по науке хадис своего времени. Он общался с передовыми мухаддисами Маварауннахра и учился у них. Как утверждает сам ученый, он передал хадисы от 550 шейхов. Он перечислил имена всех своих шейхов в книге «Ти'дод аш-шуйуҳ ли-‘Умар мустатриф ‘ало-л-хуруф мустатир» («Число учителей Умара на алфавитном порядке»). К сожалению, это произведение, рассказанное многими авторами, до нас не дошло.

Ключевые слова: хадис, мухаддис, саҳиҳ, имла, предание, иснад, мутавотир, Маварауннахр, нисба, источник.

Annotation. Abu Hafs al-Nasafi was one of the leading scholars of hadith in his time. He interacted with the leading muhaddiths of Mawaraunnahr and learned hadiths from them. According to his testimony, the scholar narrated hadiths from 550 teachers. He listed his teachers names in the book “Ti'dad ash-shuyux li-

‘Umar mustatrif ‘ala-l-huruf mustatir (The Number of Umar’s Teachers in Alphabetical Order). Unfortunately, this work, narrated by many authors, has not reached us.

Keywords: hadith, muhaddith, sahih, imla, tradition, isnad, mutawatir, Mawaraunnahr, nisba, source.

КИРИШ

Абу Ҳафс Насафий XI-XII асрларда Мовароуннахрда яшаб, ислом илмлари бўйича йирик асарлар ёзиб, улкан ишларни амалга оширган қомусий олимлардан саналади. Унинг ҳадис соҳасида ёзган “Китоб ал-қанд фи зикр уламо Самарқанд” асари маълумотларига асосланиб, олимнинг устозлари орасидан уч муҳаддисни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) Абу Али Ҳасан ибн Абдулмалик ибн Али ибн Мусо ибн Исрофил Насафий (XI-XII асрлар);

2) Умар ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Шабиб Шабибий Дизакий (в. 1117-18 й.);

3) Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Аҳмад ан-Нофила (в. 1109-10 й.).

АСОСИЙ ҚИСМ

Абу Ҳафс Насафийнинг мазкур устозларидан биринчиси Ҳасан ибн Абдулмалик Насафийнинг номи «Китоб ал-қанд»да жуда кўп маротаба (135 жойда) зикр этилади. Абу Ҳафс Насафий бу устозидан Абул Аббос Мустағфирийнинг анъаналарини ривоят қилган. Абул Аббос Мустағфирий «улум ал-ҳадис соҳасидаги йирик мутахассислардан бўлиб, бевосита ‘илм ал-жарҳ ва-т-та’дил билан шуғулланган. Унинг бу соҳада олиб борган тадқиқотлари натижалари авваламбор «Та’рих Насаф»да жамланган. Бу асарни Абу Саъд Самъоний «икки жилдли катта китоб», деб тавсифлайди [2:18]. Демак Абу Ҳафс Насафий ўз устози Абул Аббос Мустағфирий анъаналарини бир киши воситасида нақл этади.

Иккинчи устози – Умар ибн Аҳмад Шабибий Дизакий эса Умар ибн Аҳмад Форисий (в. 1062-63 й.) орқали иккинчи бир ёзма манба – Абу Саъд Абдуррахмон ибн Муҳаммад Идрисийнинг (в. 1015 й.) китобини Абу Ҳафс Насафийга узатган. Мазкур Абу Саъд Идрисий тарихий-биографик жанрга оид икки асарнинг муаллифидир: 1) «Та’рих Астробод»; 2) «Китоб ал-камол фи ма’рифат ар-рижол би-Самарқанд» («Самарқанд [муҳаддис] кишиларини билиш

бўйича мукаммал китоб»). Иккинчи асарнинг мухтасар шакли ҳам мавжудлигига «Китоб ал-қанд» ишора бериб ўтган [2:18-19]. «Китоб ал-қамол» бошқа муаллифлар қатори Абу Ҳафс Насафийга асосий ёзма манба бўлиб хизмат қилган.

Учинчи устози – Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Аҳмад Нофила Самарқандийдан (в. 1109-10 й.) Абу Ҳафс Насафий «Китоб ал-қанд»да жуда кўп маълумотларни (45 маротаба) ривоят қилган. Аммо, Абу Ҳафс Насафий машҳур муҳаддис ҳофиз Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ан-Нажжорнинг невараси бўлиши бу устози ҳақида унинг вафот этган йилидан бошқа тўлиқроқ маълумотни бермаган [1:216].

Абу Ҳафс Насафий юзлаб устозлардан ҳадис ривоят қилганлигидан маълум бўладики, олим ёшлигидан бошлаб бу илм билан шуғулланишга жиддий муносабатда бўлган. Унинг устозлари орасида асосан, Насаф ва Самарқанддан чиққан ҳамда бу шаҳарларга келган олимларни учратиш мумкин.

Абу Ҳафс Насафийга нисбат берилган «ал-Ҳофиз» нисбаси унинг ҳадис илми соҳасида маълум мавқега эга бўлганидан дарак беради [5:17]. Маълумки, ҳофиз даражасига эришган муҳаддислар 20 минг ва ундан ортиқ ҳадисларни матну иснодлари билан тўлиқ ёд билганлар.

Олимнинг ҳадис илмида пешқадам бўлганлигини унинг бу соҳада ёзган асарлари ҳам тасдиқлайди. Масалан, Абу Ҳафс Насафий Имом Бухорийнинг «ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ» асарини шарҳлаб, ўзининг «ан-Нажоҳ фи шарҳ ахбор китоб ас-сиҳоҳ» («Саҳиҳ китобидаги хабарларни шарҳлаш бўйича эришилган ютуқ») номли асарини ёзди [2:24].

Абу Ҳафс Насафийнинг ЎзРФА Абу Райхон Беруний номли Шарқшунослик институтида сақланаётган «Матла‘ ан-нужум ва-мажма‘ ал-‘улум» номли катта ҳажмдаги қомусий нодир қўлёзма асарининг бир қисми ҳам ҳадис илми ҳамда ваъз-насихатларга бағишланган. Бу қўлёзма 1364 йили бошқа нусхадан кўчирилган. Асл нусха эса, ўз навбатида, 1138 йили Абу Ҳафс Насафийнинг бевосита имло дарслари давомида ёзиб олинган. Бу мажмуада 57 асар ўрин олган бўлиб, уларнинг бир қисмини Абу Ҳафснинг ўзи таълиф этган. Бошқа қисми эса турли муаллифларнинг асарларидир. Аввалги икки асар калом илмига, учинчи асар фирқалар тавсифига, 4-7 – ахлоқ, 8-11 – қуръоний илмлар, 12 – усул ал-фикҳ, 13-19 – ҳанафий фикҳи

(120 саҳифали катта қисм), 28-29 – ҳужжат тузиш намуналари, қолган асарлар филология, математика, табиийёт соҳаларига бағишланган [6:67-68]. Ҳадис илми учун, айниқса, 20-24 асарлар алоҳида аҳамиятга моликдир. 20-асар «Китоб ат-таворих ва-л-ансоб» бевосита муҳаддислар таваллуд ва вафот тарихлари, исми-насабларини тартибга солишга бағишланган [3:181]. 21-асар эса саҳобалар исмларини алифбо тартибида баён этади (В. 181⁶-196⁶). 22-асар «ал-Хулафо‘ ар-рошидун»дан кейин ўтган халифалар тарихига бағишланган (В. 196⁶-197⁶). 23-асар уламолар таржимаи ҳоллари таҳлилига бағишланган (В. 197⁶-198^а). 24-асарда («ас-Саб‘ийот ас-сам‘ийот») эса 360 та саҳиҳ ҳадислар жамланган (В. 198^а-214⁶).

Бундан ташқари олим ҳадис илмининг турли жанрларига бағишланган «Татвил ал-асфор ли-таҳсил ал-ахбор» («Хабарлар талабидаги узоқ сафарлар») асарининг ҳам муаллифидир [2:24].

Абу Ҳафснинг 1113-14 йили ҳаж сафарига борганида ҳам йўлда Бағдодга кириб у ердаги шайхлардан ҳадис эшитди. Абу Ҳафс Бағдоддалиги чоғида Амир Хумор-тегин ибн Абдуллоҳ мадрасасида ҳадис имло қилди. У ерда Абул Қосим ибн Байондан ҳадислар ёзиб олди. Бағдодлик муҳаддис олим Ибн ан-Нажжор Абу Ҳафс Насафий жамлаб таълиф этган «Татвил ал-асфор ли-таҳсил ал-ахбор» номли асарини ривоят қилганини айтади [4:99]. Ушбу асарда Абу Ҳафс Насафий ўзининг барча устозлари ҳақида хабар берган. Аммо Абу Ҳафс Насафийнинг Бағдод, Макка ва Мадинага қилган сафари узоққа чўзилмади. У тез орада ўз она юртига қайтди [2:20].

Абу Ҳафс Насафий шогирдлари орасида аксарият ҳолларда насафлик муҳаддисларни учратамиз. Улар қаторида Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Али ан-Насафий (XII аср), Абул Қосим Муҳаммад ибн Муҳаммад ан-Насафий (XII аср), Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ан-Насафийларни (XII аср) зикр этиш мумкин. Аммо Насафийнинг шогирдлари орасида самарқандлик ёки ўзга минтақалардан чиққан Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Аҳмад ас-Самарқандий, бухоролик Абу Наср Аҳмад ибн Абдуррахмон ар-Риғдамуний, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Иброҳим ан-Нурбаштий каби муҳаддислар ҳам бор эди. Нурбаштий Абу Ҳафс Насафийдан Бағдоддаги «Хумор-тегин» мадрасасида ҳадис эшитган [2:20].

Абу Ҳафс Насафийнинг ўғли Абу-л-Лайс

Аҳмад ибн Умар ҳам унинг ишини давом эттирган шогирдларидандир. Абу-л-Лайс ҳам отаси каби турли илм соҳаларининг, хусусан, ҳадис илмининг билимдони эди. Талабчан муҳаддис олим Абу Саъд Самъоний у билан узоқ вақт мулоқотда бўлганини ва илмий ҳамкорлик олиб борганлигини зикр этади [2:21].

Абу Саъд Самъоний ўз устозлари ҳақида маълумот берган «Мунтахаб му‘жам шуйх ас-Сам‘оний» («Самъоний устозлари қомусининг сайланмаси») номли асарида ан-Насафийнинг ҳадис илмидаги салоҳиятига шундай баҳо беради [2:7]:

«Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ... ан-Насафий ас-Самарқандий ал-Ҳофиз Насаф аҳлидан бўлиб, Самарқандда яшади. У мазҳаб ва адаб илмининг билимдони бўлган имом, фақиҳ, фозил кишилардан эди. Фикҳ ва ҳадис бўйича асарлар ёзган. Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийнинг (в. 804-05 й.) «ал-Жоми‘ ас-сағир» («Кичик тўплам») асарини назмга солиб, шеърӣ тарзда берди. Аммо мен унинг ҳадис бўйича тўпламларини мутлоа қилганимда, кўплаб хатоларни, исмларни ёзишда чалкашлик ва ноаниқликларни учратдим. Лекин устоз жамлаш ва тасниф қилиш бўйича кўп пешқадамлардан эди. У Абу Муҳаммад Исмоил ибн Муҳаммад ан-Нуҳий ан-Насафий, Абу-л-Йуср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ал-Паздавий, Абу Али ал-Ҳасан ибн Абдулмалик ан-Насафий ва улардан бошқа кўплаб кишилардан ҳадис эшитган. Мен у кишини тириклик чоғида Самарқандда топмаган бўлсамда, Абу Ҳафсдан ёзма равишда барча эшитганлари (масму‘от) ва тўпламлари учун ижоза олганман. Бир жамоа кишилар ундан менга ҳадис ривоят қилганлар. Унинг иснодлари олий даражада бўлмасада, Насафийни ушбу тўпланда зикр этишимнинг боиси унинг таснифотлари кўп бўлиб, ўзи жуда машҳур бўлганлигидир. У ҳадисни ва уни ўрганишни яхши кўрар эди, аммо уни тушуниш бахтига муяссар бўлмади. Унинг жуда чиройли фикҳӣ ва ҳикматли шеърлари бор эди» [2:15-16].

ХУЛОСА

Абу Саъд Самъонийнинг берган таърифидан шундай хулоса қилиш мумкинки, Абу Ҳафс Насафий ўз даврида Самарқанднинг энг машҳур муҳаддисларидан бўлган. Ҳадис бўйича жуда кўп устозларга эга бўлган ва бу

фан доирасида кўп асарларни тасниф этган. Олим фақат ўзи ёзган асар ва тўпламлар билан чегараланмай, ўша даврда машҳур бўлган уламоларнинг асарларини шогирдларига имло этган. Илм толиблари осон тушунишлари учун уларни шарҳлаб, эса сақлаб қолишлари учун шеърӣ тарзда берган [2:24].

Абу Саъд Самъоний Абу Ҳафснинг ҳадис соҳасидаги салоҳиятига юқори баҳо бериш билан бир қаторда унинг заиф тарафларини танқид қилиб ўтади. Бу танқид ўша давр Самарқандда фаолият олиб борган муҳаддисларнинг аксариятига ҳам тааллуқлидир. Чунки, Мовароуннаҳр ҳанафӣ уламолари ҳадис илми соҳасида ўз қарашларига эга бўлганлар. Шофӣӣ-ашъарӣӣ олим Абу Саъд Самъоний Самарқанд муҳаддисларига Хуросон мактаби талаблари билан ёндашади. У мазкур шаҳарда шаклланган ва неча асрлардан бери давом этиб келаётган анъаналарни инкор этган ҳолда, конкрет воқеликни идеал мезонлар билан баҳолашга ҳаракат қилади. Бу ерда Абу Саъд Самъонийнинг Абу Ҳафс Насафийга берган баҳосини шахсий даражада эмас, балки Хуросон мактабининг Самарқанд муҳитига берган умумӣ баҳоси сифатида қараш ҳақиқатга яқиндир.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Ҳафс ‘Умар ибн Муҳаммад Ан-Насафий. ал-Қанд фи зикр ‘уламо’ Самарқанд / Назар Муҳаммад ал-Форӣӣбий таҳрири остида. – Саудия Арабистони: Мактабат ал-Кавсар, 1991. – 622 б.
2. Абу Ҳафс ‘Умар ибн Муҳаммад Ан-Насафий. ал-Қанд фи зикр ‘уламо’ Самарқанд / Йусуф ал-Ҳоди таҳрири остида. – Техрон: Ойина-йи мирос, 1999. – 877 б.
3. Абу Ҳафс ‘Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий. Матла‘ ан-нужум ва-мажма‘ ал-‘улум. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти. – Қўлёзма № 1462. – 353 в.
4. Абу ‘Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд Ибн ан-Нажжор ал-Бағдодӣӣ. Зайл Та’рих Бағдод. – Т. 20 / Мустафо ‘Абд ал-Қодир ‘Ато’ таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмӣӣа, 1997. – 184 б.
5. Маҳмуд ат-Таҳҳон. Тайсир мусталаҳ ал-ҳадис. – ар-Риёд: Мактабат ал-ма‘ориф, 1987. – 240 б.
6. Булгаков П.Г. Незвестный энциклопедический труд XII века // Общественные науки в Узбекистане. – 1976. – № 11. – Б. 57-61.